



МЧЖ "XB FINANSE KONSULTING"

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

«MUSTAGILLIK RAHTA TOZALASH» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НИНГ

2016 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا
Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Акциядорлик компанияси таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот
Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING"
аудиторлик ташкилоти.

Ўзбекистон Республикаси. Ташкент шаҳри, Миробод туман, А.Темур кўчаси
15 уй.

телефон: (8371) 233-02-10, 233-02-04.

email: XB.Finance-konsulting@mail.ru

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 1018.
11.05.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик
юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви"ни ўтказиш бўйича
аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия
АФ № 000676. 15.05. 2008 йилда берилган.

Хисоб рақами: 2020 8000 7044 0871 2001. АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»
Тошкент шаҳар хисоб китоб филиали, МФО: 00424,

СТИР: 205 666 530, ХХТУТ 84400.

Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Зокирович,
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил декабрь куни
берилган № 05171-сонли «Аудитор малака сертификати» га эга.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот
«Mustagillik rahta tozalash» акциядорлик жамияти

Тошкент вилояти, Куйичирчик тумани, Ўзбекистон 5 йиллиги тажриба
хўжалиги, Фуркат кучаси.

Телефон: 998-90-981-38-84

Куйичирчик туман хокимлиги «Тадбиркорлик субъектларини давлат
руйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2016 йил 23 август куни № 277-
тартиб ракам билан руйхатга олинган

Хисоб рақами Х/р 20210000300131151001АТ АТБ«Агробанк», Куйичирчик
булими, МФО: 00454 СТИР: 2200456409, ХХТУТ: 17111.

Жамият бош директори: Махмашукуров Хуршиджон Эргашевич

Молиявий масалалар бўйича директори: Назаров Хусниддин Абдужабборович

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Нишанов Абдулазиз Тождидинович, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 11.07.2015 йилда берилган № 05326 сонли «Аудитор малака сертификати» аудиторлик ташкилоти «Mustagillik paxta tozalash» акциядорлик жамияти ўртасида 02.02.2017 йилда тузилган 01/08-сонли шартномага асосан «Mustagillik paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача бўлган даври учун 31.03.2017 йилда тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2, "Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот" - 4-шакл, "Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот" - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Mustagillik paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Mustagillik paxta tozalash» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор

Хулоса тузилган сана: 01.04.2017 йил

3.3.Эгамбердиев.

А.Т.Нишанов.